Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№24 (373)
2020 йил 27 март, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkori@umail.uz

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураршишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

*Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор мурожаат қилди:*

– Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади.

Шу сабабли, Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кунданоқ барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчалари вақтинча ёпилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда.

Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сиҳатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

Ушбу вирусли инфекцияни жиловлаш, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган.

Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

# ИЖТИМОИЙ ВА ТИББИЙ МУҲОФАЗАНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этмоқда. Одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг аччиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғлик нотўғри эканини кўрсатмоқда.

Шу боис мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди.

Хусусан, карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида биринчи босқичда 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонасини барпо этиш ишлари якунланмоқда.

Ушбу вилоятда 2 та беш минг ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилмоқда. Унинг мингталик биринчи блоки яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳар бири минг кишилик модуль касалхоналар ва карантин пунктларини жиҳозлаш ишлари бошланди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларига 300 мингта экспресс-тест ва 500 та сунъий нафас олдириш аппарати харид қилиш, хавф юқори бўлган аҳоли пунктларида кўчма лабораториялар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шифокорларимизга амалий ёрдам бериш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқаришни кунига 5 миллион донага етказиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ходимларининг камида 50 фоизини ҳақ тўланадиган таътилга чиқариши, қолганлар масофадан ишлашга ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Сурункали касалликка чалинганлар ҳамда 60 ёшдан ошганлар ташқарига чиқмаслиги, бундай ходимлар 100 фоиз меҳнат таътилига чиқарилиши тавсия этилди.

Тиббиёт ва ҳарбий олий ўқув юртлари талабаларидан иборат кўнгиллилар жамоасини тузиб, ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга ҳамда олис ҳудудларга озиқ-овқат, гигиена ва дори воситалари етказиб беришни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонга олиб кирилаётган дори-дармонлар, субстанциялар, тиббий техника ва бошқа зарур товарларни божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 мартдаги фармонига мувофиқ, бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмайди. 1 ноябрга қадар коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объектлари бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилади. Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилади.

Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади.

Йиғилишда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиши маълум қилиниб, унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида икки давлат раҳбарлари баҳорий Наврўз айёми муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, энг эзгу тилакларини билдирдилар.

Ушбу фаровонлик ва янгиланиш байрами дўст халқларимизнинг маданий-маънавий мероси муштараклиги, тинчлик ва равнақ йўлидаги орзу-умидлари рамзи бўлиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ашраф Ғанини Афғонистон Президенти этиб сайлангани билан табриклади ҳамда унга мамлакатда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга эришишда катта муваффақиятлар тилади.

Ашраф Ғани, ўз навбатида, табрик учун, шунингдек, Афғонистонда тинчликка эришиш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш юзасидан кўрсатаётган кўмаги ва фаол саъй-ҳаракатлари учун Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Афғонистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан икки йил аввал ўтказилган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси муҳим воқеа – афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича сиёсий жараённи бошлаш, манфаатдор томонлар мулоқотининг ўзаро мақбул шакл ва механизмларини излашда «бошланғич нуқта» бўлганини қайд этди.

Мулоқот чоғида минтақада янги турдаги коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий вазият ва кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Президент Ашраф Ғани Ўзбекистон коронавирусга қарши курашишда кўрсатаётган амалий кўмаги учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз мутахассислари томонидан бунёд этилган ва фойдаланилаётган «Ҳайратон – Мозори Шариф» темир йўли, шунингдек, электр энергияси, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари етказиб берилаётгани ҳамда савдо ва гуманитар юкларнинг юртимиз ҳудуди бўйлаб транзити ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилаётгани ва кўрсатилаётган бошқа ёрдам ушбу пандемияга қарши курашишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштиришни давом эттириш ҳамда икки мамлакатдаги санитар-эпидемиологик ҳолатни назорат қилиш борасида қатъий чоралар кўриш муҳимлигини қайд этдилар.

Президентлар икки томонлама, аввало, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ҳам кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Афғонистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қўшма инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

**ЎзА.**

# Қурилиш объектларида иш жадал бормоқда



**«Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз» деган ғояни устувор билган давлатимиз дунёни ташвишга солаётган коронавирус хатарини тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.**

Охирги бир ҳафта-ўн кун ичида кўрилган чора-тадбирлар хронологиясига назар ташласак, тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди. Мана шу жараёнда давлатимиз ўзининг халқпарварлигини тўла намоён этди.

Коронавирус оқибатларини бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган халқпарвар сиёсатнинг ҳаётий ифодаси саналади. Президентимиз раислигида 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам коронавирус тарқалишининг олдини олиш, шифохоналарни дори, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги таъкидланди. Қисқа вақт ичида ихтисослашган шифохоналар қуриб, фойдаланишга топшириш бўйича топшириқ берилди.

Ҳозирда юртимизда санитария-эпидемиология бўйича 2 та республика даражасидаги шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохоналари, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, кейинги 25 йил давомида ушбу муассасаларни аксариятининг моддий-техник базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айни ҳақиқат.

Бу масалаларни комплекс ҳал этиш учун жорий йил 19 март куни мамлакатимиз Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонга биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағларидан юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашга ҳам маблағ йўналтирилади.

Дунёга назар ташлайдиган бўлсак, коронавирусга қарши курашда касалхоналарни тезлик билан қуриш тажрибаси кўпчилик давлатлар мисолида ўзини оқлади. Мисол учун учун, Хитой ҳукумати январь ойида коронавирусга қарши курашиш мақсадида касаллик ўчоғи Ухань шаҳрида 10 кун ичида иккита госпиталь барпо этди. Уларнинг ҳар бири мингга яқин беморни қабул қилиш имкониятига эга.

Президентимизнинг топшириғига биноан, хориждан олиб келинаётган юртдошларимиз учун карантин муддатида қулай шароитларда яшаши ва мабода вирус чиққудек бўлса, даволанишлари учун қулай ва замонавий шароит яратиш мақсадида тез фурсатда шифохона қуриш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди.

(Давоми 3-бетда)

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охирги 10 кун ичида 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилакторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илғор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилди.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади.

Чунки, коронавирус менга юқмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак.

**Давлат томонидан кўрилаётган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилган.**

Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмаса, тартиб-интизомли бўлиб, карантин қоидаларига риоя этмаса, барча кўраётган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш учун сафарбар қилинган юз минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин.

Айрим ҳудуд раҳбарлари ҳозирга қадар фуқароларга мурожаат билан чиқиш ва юзага келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмаяпти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташкил этилмаяпти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантираман. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашингиз шарт.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам кўп эътирозларим бор. Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказишни давом эттирмоқда.

Мисол учун, Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Беруний маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини қўпол равишда бузиб, эртаси куни 120 нафар кишини чақириб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юқтиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани ҳали номаълум.

Шу боис карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. **Ушбу қонунга асосан, бундан буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади.**

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаши шарт.

Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соғлиғини ҳамма нарсадан устун қўядиган донишманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолишни ҳеч қачон истамайди.

**Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётий заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!**

Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос «жанг майдони»да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин, охирги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди.

**Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда.**

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиологик ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилади.

Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юқтириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдорида алоҳида тўлов берилади.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавирусдан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиб бериш зарур.

**Ҳурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда – Махсус комиссия):

нодавлат тиббиёт ташкилотларига шошилинч профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзага келганда Махсус комиссия қарорига асосан коронавирус инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш;

коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссияга таклиф киритиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга **ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови** (кейинги ўринларда – махсус тўлов) белгилансин:

врач ходимларга, врач-лаборантларга – **25 миллион** сўм;

ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – **15 миллион** сўм;

кичик тиббиёт ходимларига – **10 миллион** сўм;

бошқа ходимларга – **5 миллион** сўм.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А. Н. Арипов) бир ҳафта муддатда махсус тўловларни олувчи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансинки, махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг **ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида** тўлаб берилади.

3. Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан **бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар** миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган, зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни юқори ҳимоя даражасига эга бўлган шахсий ҳимоя воситалари комплекти билан мунтазам равишда таъминласин.

5. Мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил «26» мартдаги ПҚ–4652-сон қарорига
илова

### Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар МИҚДОРИ

| | |
|---|---|
| Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида **коронавирус инфекцияси юқтириб олган** тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори | **100 миллион** сўм |
| Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида **коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда** тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори | **250 миллион** сўм |

*Изоҳ.* Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

# Қурилиш объектларида иш жадал бормоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва самарали даволаш чораларини кучайтириш мақсадида қисқа фурсатларда қатор шифохоналарни барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида учта замонавий ихтисослашган тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда. Биринчиси, 144 ўринга мўлжалланган Чилонзор туманида янги қурилаётган шаҳар 3-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонаси ва 158 ўринли шаҳар 4-сонли болалар кардиоревматология клиник шифохонаси бинолари яқин ойларда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шунингдек, Яшнобод туманида жойлашган Тошкент стоматология институтининг янги қурилаётган биносини 250 ўринли замонавий даволаш муассасасига айлантириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида карантинга олинган фуқароларни сақлаш учун махсус шифохона қурилмоқда. 55 гектар ҳудудда барпо этилаётган 3 467 контейнер ўрнатилиб, барча қулайликларга эга контейнерларда 4 нафардан 8 нафаргача фуқаро учун ўрин мўлжалланмоқда.

Махсус шифохона пойтахтдан 25 километр узоқликда жойлашган бўлиб, унда чартер рейсларда хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган ўзбекистонликлар карантинда сақланади. Бу ерда барча шароитлар мавжуд бўлади. Шифохонани 5 иш кунида барпо этиш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Беҳзод Қобуловнинг маълум қилишича, айни пайтда қурилиш объектида 45 та бригада 1 100 нафардан ортиқ қурувчи, 100 дан зиёд оғир техника ишламоқда. Қурилиш якунида карантин муассасасида 20 800 нафар ҳамюртларимиз изоляцияга олинади. Махсус изоляция хоналарида 4 киши даволаниб, профилактика қилинади. Хоналар барча тиббиёт жиҳозлари ва санитария-гигиена воситалари билан жиҳозланади. Шунингдек, мажмуада овқатланиш, лаборатория, тиббиёт ходимлари ва хўжалик қисмларини ҳам қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Махсус карантин хонасида тиббиёт ходимлари учун турар жойлар, реанимация бўлимлари ва карантин учун махсус хоналар ҳам барпо этилади. Контейнерлар электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув ва бошқа коммуникация тармоқларига уланади.

Тошкент ҳарбий округига қарашли умумқўшин полигонида ҳам дала шароитидаги ҳарбий-тиббий госпиталь ташкил қилинди. Маълумотларга кўра, мазкур госпиталь коронавирус инфекциясини юқтириб олган ёхуд шундан гумон қилинган шахсларни қабул қилишга мўлжалланган. Шунингдек, карантинга олинган шахсларни жойлаштириш учун жойлар тайёрланмоқда. Ҳарбий госпиталь бир вақтнинг ўзида 1,5 минг беморни қабул қилиш қувватига эга. Айни пайтда дала шароитидаги госпиталда дам олиш, овқатланиш ва яшаш учун шароитлар ҳозирланмоқда.

Яна бир йирик муассаса Зангиота туманида бунёд этилмоқда. Шу кунларда ушбу тумандан ажратилган 27 гектар ер майдонида ўн минг ўринли шифохона қурилиши жадал давом этмоқда. Ушбу янги тиббиёт муссаса ҳам яқин фурсатларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.



Мазкур шифохонанинг лойиҳа-смета ишлари соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари таклифларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Уни қисқа вақт ичида енгил конструкциялар асосида барпо этиш мақсадида қурилиш жараёни бошланди. 24 соат давом этаётган бунёдкорлик ишларида уста қурувчилар, пайвандчи-ю, монтажчилар белгиланган навбат асосида, зиммаларидаги машаққатли ва ўз навбатида шарафли вазифани бажариш учун астойдил меҳнат қиляптилар. Оғир юмушлар, қурилиш маҳсулотларини ташиш ва бошқа мураккаб жараёнларни ўташ қудратли машиналар гарданида. Айни вақтда бу ерда меҳнат қилаётганларнинг хавфсизлиги, саломатлиги ҳам домимий назоратда. Саховатпеша тадбиркорларимиз бу хайрли ишларга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда, улар туну-кун меҳнат қилаётган бунёдкорларга зарур маҳсулотлар, гигиеник воситалар етказиб бериб, вазифа тезроқ уддаланишига мадад бўлишяпти.

Қурилиш ишлари билан бир вақтда мазкур ҳудудда ҳаёт учун зарур бўлган коммуникация тармоқларини тортиш ишлари ҳам параллель олиб борилмоқда. Газ, сув, электр энергиясини етказувчи линиялар тортиляпти.

Мазкур объектда бу ерга жойлаштириладиган фуқаролар учун имкониятлар яратиш мақсадида хоналарда телевизор, иссиқ ва совуқ сув, иситиш ва совутиш мосламалари ҳамда бошқа зарур инфратузилмалар барпо этилиши кўзда тутилган. Озиқ-овқат масаласида ошхонада кэтрин хизмати йўлга қуйилади. Мабодо, келганлар орасидан 14 кунлик карантин муддати ичида касадлик белгилари топилса, улар шу ерда ёнма-ён қад кўтарадиган шифохонада даволанишади.

Ҳаёт синовлари чоғида энг яхши натижага умид боғлаб, энг ёмон оқибатга тайёр туриш бу – оқиллик белгисидир. Зангиота туманидаги янги шифохона қурилишининг жадаллик билан олиб борилаётганида ҳам халқнинг бошига ташвишли кунлар келганида қўлни-қўлга бериб, эзгу ташаббусларга эргашишга куч топган халқимизнинг баҳамжиҳатлиги, бирдамлиги, бунёдкорлиги яна бир бор намоён бўлди.

Оқибат, бирдамлик тушунчалари билан халқнинг халқ экани синовдан ўтадиган муҳим давр. Тожсимон вирус – инсоният учун юборилган оғир имтиҳонни бир эл бўлиб бартараф этишни барчамиз бирдек англаб турибмиз. Эътибор беринг, қурилиш объектларида меҳнат қилаётганлар соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари эмас. Аммо бугун пандемияга қарши курашда уларнинг вазифалари, заҳматлари тиббиёт соҳаси вакиллари хизматларидан кам эмаслигини англаган ҳолда бор кучлари билан меҳнат қилишмоқда. Жадал суръатларда давом этаётган қурилиш ишларининг бугунги кўрсаткичлари эса буни тасдиқлай олади.

**Ўз мухбиримиз.**

*Суратлар kun.uz сайтидан олинди.*

**Юрт бошига синов тушди... Огоҳлик ва эҳтиёткорлик биринчи ўринга чиқди. Ҳар бир кишининг ўз саломатлиги учун курашиши, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиши нафақат ўзи, балки оила аъзолари, яқинлари учун ҳам қилган яхшилигига айланди. Бугун кишиларнинг тинчгина ўз уйида ўтириши энг хайрли вазифа бўлди.**

# ЭГАСИ БОР ЮРТ

## ёхуд бугуннинг сабоқлари

Карантин фақатгина ҳимояланиш эмас, балки ҳимоя ҳам қилишдир. Бунда ҳам бир ҳикмат бор...

Оталар ҳамиша ўз оиласини ва фарзандларини, умуман, қўрғонини ҳимоя қилишган. Азалдан шундай. Ўзбек оталари эса инчинун. Эл бошига иш тушса, эр бошига тушгани. Бундай пайтда юрт отаси доим масъулиятни бўйнига олган ва барчага ишонч берган. Ҳамма гап ана шу ишонч ва ўз вақтида қўлланган чораларда...

Ҳаёт эса давом этаверади. Айни дамда кимлардир «Биз сиз учун ишдамиз, сиз биз учун уйда ўтиринг!» деб жонбозлик қилишмоқда. Аксарият аҳоли уйда ва турли ўйда... Бировлар эса мажбур – йўлда, кўча-кўйда. Чунки яшаш керак.

Инсон – хом сут эмган банда. Банда эканмиз, баъзан шукр қилишни унутиб қўямиз. Яшириб нима қилдик, ишга бораётиб, кўчада автобус беш дақиқага ёки метро икки дақиқага кечикса сиқилиб, кимларнидир айблаган вақтларимиз бўлган. Аммо 22 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида жамоат транспорти қатнови вақтинча тўхтатилди. Кўчага чиққан ёки чиқмоқчи бўлган киши бу ишлардан сиқилгани йўқ, нолигани ҳам йўқ. Чунки барчаси халқнинг саломатлиги, ўзини-ўзи асраши учун. Барчамизни – халқимизни Яратганнинг ўзи асрасин.

Энг катта бойлик – тинчлик ва сиҳат-саломатлик эканлигини бугун барчамиз тўла англаб етяпмиз. Меҳр-оқибатлилик, юксак инсонийлик ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган ва бугун бу фазилатлар рўй-рост намоён бўлмоқда.

Давлат ўзининг давлатлилигини кўрсатмоқда. Эгаси бор юрт эканлигимиз, ҳаётимиз, тақдиримиз, эртамиз учун қайғурадиган Юртбошимиз, мутасаддилар борлиги бизга таскин бермоқда. Барча саъй-ҳаракатлар халқ учун! Халқнинг тинчлиги ва хотиржамлиги учун! Ҳокимликлар ҳам вазият барқарорлиги учун курашмоқда. Бозорларда нарх-навонинг ошиб кетмаслиги, аҳоли эҳтиёжи учун керакли маҳсулотларнинг ўз вақтида бўлиши, танқисликнинг юзага келмаслиги учун масъулиятни ўз зиммаларига олишмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали намойиш этилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, онлайн дарслар, масъуллар билан олиб борилаётган суҳбатлар, муҳим саволларга ўз вақтида берилаётган жавоблар барчаси янги Ўзбекистоннинг ўз йўлини намоён этмоқда.

Ўз вақтида қилинаётган бундай хайрли ишлар, чора-тадбирлар, халқпарварлик, инсонпарварлик ва халқ саломатлиги ва хотиржамлиги йўлидаги жонбозлик учун ҳукумат раҳбарларига, барча мутасаддиларга, айниқса, тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Халқимизнинг боши омон бўлсин! Қаторимиздан биров кам бўлмасин! Ўзбекнинг меҳр-оқибати ўлмасин! Халқимизни Яратганнинг ўзи асрасин!

Дарвоқе, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу синовли дамлар юртдошларимизнинг янада жипслашиши, бир фикрда бўлиши ва ҳар бир нарсанинг қадрига етиши кераклигини исботлаб бермоқда.

Сал етишмовчилик бўлса нолийдиган бўлдик, эрта-индин ҳал этиладиган бир муаммо устидан ёзиб ёки телефон орқали видеога олиб тарқатиб юборишни одат қилдик. Беш дақиқа кечикиб келган «Тез ёрдам» ходими ҳақорат қилинди, ҳатто уларга қўл кўтарилди. Шифохоналарда беморга қарашга улгурмай қолган врачлар эътиборсизликда, таъмагирликда айбланди. Фарзандимизга қаттиқ гапирган, уй вазифасини бажармаган ёки тартиб-интизомга риоя қилмаган ўқувчини тергаган ўқитувчи балога қолди...

Негадир камчилик ахтаришга ўрганиб қолдик. «У ёқда ундай, нега бу ёқда бундай?..» қабилидаги саволлар чиқадиган бўлди. Аммо ўйлаб кўришга, фикр қилишга, баъзан айбни ўзимиздан ҳам ахтаришга, борига шукрона келтиришга кўпам одатланмадик. Орзуларимиз сабаб гоҳо ўзимизни қадрсиз қилдик. Гоҳида жонимиз кўзимизга кўринмай ҳавойига ўхшаб қолдик...

Аммо бугун ҳаммасидан кўра, жонимиз ширин эканлигини англаб етдик. Жонимиз, бошимиз омон бўлмаса, барчаси бекор эканлигини тушундик. Ахир давлатнинг, ҳукуматнинг, таъбир жоиз бўлса, ҳар биримизнинг қилган саъй-ҳаракатларимиз ўзимиз учунлигини фаҳмладик! Ўзимиз ким? Шу миллат фарзандлари. Фарзандлар эса – оилалар. Оилалар бирлашиб, маҳаллага айланган. Маҳалла-қўрғонлар бирлашиб, сарҳадларимиз жипслашиб мамлакат – юрт бўлган. Юртнинг эгаси, унинг ўз айтар сўзи, борар йўли бор экан, асло хавотирга ўрин қолмайди. Фақат меҳр-оқибат ва ишонч бўлса бас!

Меҳр-оқибатимиз зиёда бўлсин, азиз юртдошим! Ўзингизни асранг, зеро, ўзини асраганни Тангри ҳам асрайди!

**Холиёр САФАРОВ,**
**«Ўзбекистон тарихи» телеканали катта муҳаррири.**

# Хайрли ишлар бир-бирига уланмоқда

**Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл туманида «Коронавирусга қарши бирга курашамиз!» шиори остида хайрия акцияси ўтказилди.**

Туман деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган акцияда «Kanteks invest» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланган 5000 дона тиббий ниқоб, шунингдек, «Бегисбек Темур», «Асал-Лаззет» каби бир нечта хусусий корхоналар ҳомийлигида нон, гуруч, макарон сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари аҳолига бепул тарқатилди.





**Суратларда:** акция доирасида аҳолига бепул озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш пайтидан кўринишлар.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Карантин кунларида ҳам ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ амалга оширилади

**Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.**

Бу жараён иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлаши, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда юртимиз аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирларни қамраб олади.

Ушбу талаблар Энергетика вазирлигига қарашли «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг узлуксиз фаолият кўрсатишига муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур жамият ва унга қарашли корхоналар «COVID-19» инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, электр энергияси ишлаб чиқаришни белгиланган қувватларда амалга ошириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Акциядорлик жамияти томонидан мазкур фармон ижросини тўлиқ бажариш, карантин кунларида аҳолининг сифатли электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, электр энергияси ишлаб чақариш қувватлари барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

– Мақсадимиз шундай синовли кунларда халқимизнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг узлуксизлигини таъминлашдир, – деди «Иссиқлик электр станциялари» АЖ бошқаруви раиси Руслан Мубаракшин. – Жамиятимиз ўз тизимидаги корхона ва ташкилотларда зарурий чора-тадбирларни олиб бормоқда. Тезкорлик билан ишларни мувофиқлаштириш бўйича штаб ташкил этилди. Ҳозирги вақтда бир суткада ўртача ҳисобда тизим корхоналари томонидан 170 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқилмоқда. Режага асосан карантин кунларида ҳам ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ амалга оширилади. Шу билан биргаликда, тизимдаги ишчи-ходимларнинг саломатлигини асраш, уларга мақбул шароитлар яратишга катта аҳамият қаратилган. Масалан, барча ташкилотларда бўлгани каби акциядорлик жамияти тизими жамоасининг ишлаш тартиби қонунчиликка мос ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг айримларига меҳнат таътили берилган бўлса, бир қисми масофадан туриб ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ишчи-ходимларга махсус машиналар хизмати ҳам йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларга янада жиддий эътибор қаратиш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Мазкур қарорда кўрсатилган тартибга мувофиқ, корхоналарда ишчи-хизматчилар учун қўшимча шароит яратиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш бош мақсадга айланди.

Айни кунларда тизимдаги ишлаб чиқариш объектларида дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва унинг корхоналари томонидан қўшимча 20 минг дона тиббий ниқоб тайёрланиб, ходимларга тарқатилди. Ходимлар объектларга белгиланган тартибдаги тиббий кўрикдан сўнг киритилмоқда. Корхоналар ҳудудига кириб-чиқиш пунктларида тепловизорлар билан таъминланган постлар фаолияти йўлга қўйилган. Станциялардаги тиббиёт бўлими ходимлари томонидан цех участкаларида ходимларга коронавирус тарқалишининг олдини олиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамияти жамоасининг соғлигини асрашда муҳим бўлиши баробарида карантин вақтида халқимизнинг эҳтиёжларини қондириш йўлидаги асосий талаблардан биридир.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ бунёдкорликдан аҳоли мамнун

**Коронавирус инфекцияси куннинг асосий мавзусига айланган бўлса ҳам ҳудудларда режадаги ислоҳотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти Бўка туманида бунёд этилган иншоотлар аҳоли учун чинакам баҳорий совға бўлди.**

Хусусан, 8-мактабгача таълим ташкилотининг эски биноси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига жорий йилги инвестиция дастури доирасида 3 миллиард сўм сарфланди.

210 ўринли мазкур мажмуадаги хоналар болалар дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилувчи ўзига хос интерьер ва дизайн бўйича безатилган. Шунингдек, энг сўнгги русумдаги мебель ва зурур ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Бундан ташқари, кўп йиллар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар учун тумандаги «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида 3 қаватли замонавий турар жой бунёд этилди. Иккинчи гуруҳ ногирони Сотиболди Мирзабековлар оиласида ҳам катта байрам. Икки нафар фарзандини ўн йиллаб уйсиз, ижарада яшаб катта қилган фуқарога давлатимиз томонидан икки хонали шинам хонадон берилди.

– Ушбу эътибор учун давлатимиздан миннатдорман, – дейди С. Мирзабеков. – Турмуш ўртоғим билан кўп йиллар ўз уйимиз бўлиши учун ҳаракат қилдик. Бироқ оилавий ташвишлар, фарзанд тарбияси ва ногиронлигим туфайли бунга имконимиз бўлмади. Ҳозир жуда хурсандмиз. Яқинларимизни ва меҳмонларни ўз уйимизда кутиб оляпмиз. Туманимиздаги бундай ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлиги учундир.

Қибрай туманида ҳам коронавирус туфайли саросимага тушмасдан оптимистик руҳда, бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда. Туман ҳокими Мираъзам Мирқосимовнинг ташаббуси билан Амир Темур маҳалласидан ўтган давлат аҳамиятидаги 15 километр узунликдаги йўлнинг Тошкент шаҳрига туташган қисмига велосипедлар йўлаги қурилмоқда.

Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланадиган автомобиль йўли 4 қатор йўналишли бўлиб, йўлнинг ҳар икки томонида яшил йўлак учун жой ажратилган. Яшил йўлакдан кейин эни 3 метр йўлак велосипед билан ҳаракатланиш учун махсус барпо этилди. Велойўлакнинг ёнида эса пиёдалар учун эни 2 метрдан иборат тротуар аллақачон фойдаланишга тайёр ҳолатга келтирилган. Катта автомобиль йўлини ҳар икки томонини ҳисобга олганда, қарийб 6 километр узунликка эга велосипед билан ҳаракатланиш имконини берадиган махсус йўлак жорий йилнинг 19 март куни фойдаланишга топширилгани аҳоли учун туҳфа бўлди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ривожланган давлатларнинг йирик шаҳарларида велосипед билан ҳаракатланишга катта эътибор берилади. Бу эса соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва экологик муҳитни мувозанатда ушлаб туришга хизмат қилади.

Йўлнинг ҳар икки томонида замонавий металл тўсиқлар ўрнатилган, тўсиқлар эса бир-биридан чиройли турфа рангларга бўялган. Ёғингарчилик пайтида сув тўпланмаслиги учун дренаж тизими мукаммал тарзда амалга оширилган. Яшил йўлакнинг суғорилиши натижасида сувнинг тўпланиши, катта йўлга ҳам, велойўлакка ҳам салбий таъсир ўтказмайди. Велойўлак билан катта йўлнинг орасида яшил йўлакнинг мавжудлиги ҳаракатланишда юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайди. Айниқса, пиёдалар учун хавфсизлик чоралари пухта ўйланганидан далолат беради.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Асосий мақсад – иш ўринларини кўпайтириш

**«Қўқон» эркин иқтисодий зонасида иш бошлаган «Супер Колор Экстра» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган автомобиль ойналарининг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилади.**



Гап шундаки, бу ерга 1 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилди. Талаб ва таклиф асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган корхонада ойига 4 минг дона маҳаллий ҳамда хорижий автомобиллар учун керакли ўлчам ҳамда кўринишда ойналар тайёрланмоқда.

– Корхонамизда 25 нафар ёшлар меҳнат қилмоқда, – дейди МЧЖ раҳбари Элёржон Назиров. – Асосий эътиборни ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини кенгайтириш, иш ўринлари сонини кўпайтиришга қаратганмиз. Шу мақсадда ҳадемай автомобиллар учун резина-техника ва темир жисмлар учун бўёқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Бу яна ўнлаб янги иш ўринлари яратишга, сифат ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

**Суратда:** «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида иш бошлаган «Супер Колор Экстра» масъулияти чекланган жамиятида

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Жалақудуқ тумани, «Туялас» МФЙдаги маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд биноси қурилиши (оптимизация).

**Объектнинг бошланғич нархи** –
4 908 624 655 сўм ҚҚС билан;
4 268 369 265 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 300 кун.

2. Андижон шаҳридаги «Республика шошилинч тез тиббий ёрдам амалий маркази» Андижон филиалини реконструкция қилиш (50 ётоқ ўринли даволаш бўлимини реконструкция қилиш) (3-босқич) (оптимизация).

**Объектнинг бошланғич нархи** –
2 124 919 218 сўм ҚҚС билан;
1 847 755 842 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 260 кун.

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Андижон шаҳар, Навоий кўчаси, 45-уй.

Тел.: (74) 223-61-08, 223-08-28.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Андижон вилоятининг Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.

**Тел./факс:** 74-223-57-05.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Тендер таклифлари очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 45-уй (буюртмачи биноси).

## «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**2020 йил 27 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳар 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қашқадарё вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 385 LAA бўлган, техник ҳолати носоз ЛАДА 21074-11030 русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 2 380 085 сўм.

2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 042 ZAA бўлган, техник ҳолати носоз ЛАСЕТТИ русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 11 444 900 сўм.

3. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 164 QAA бўлган техник ҳолати носоз МАТИЗ русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 2 900 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 23 апрель куни, соат 13.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб, ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар, 4-митти туман, **мўлжал:** «Парвина» кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши ва мулк қийматини олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида ҳақ олинади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Qashqadaryo kim oshdi savdo МЧЖ, АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.
**Мўлжал:** «Парвина» кафеси ёнида.
**Телефон:** 95 505-08-99

*1665 рақамли гувоҳнома.*

## ОБЪЯВЛЕНИЕ!

Тендерные торги АО «TAHIYATOSH IES» по объекту «Строительство «Амбулаторно-диагностического центра» со швейным цехом путем перепрофилирования объекта медико-санитарной части на 100 мест, расположенного по ул. Ташаузская в МСГ «Тахиаташ» Тахиаташского района», опубликованные в газете «O'zbekiston bunyodkori» за №22-23 (371-372) от 20 марта 2020 года, отменяются на не определенный срок.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри ДСЭНМ вакциналарни сақлаш омборхонасини мукаммал таъмирлаш | 122 591 701 | 120 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Қизилтепа тумани ДСЭНМ вакциналарни сақлаш омборхонаси қурилиши | 247 971 619 | 120 кун |
| 3. | Навоий вилояти, Учқудуқ ДСЭНМ ҳудудида вакциналарни сақлаш омборхонаси қурилиши | 255 285 577 | 120 кун |
| 4. | Навоий вилояти, Хатирчи тумани ДСЭНМ вакциналарни сақлаш омборхонасини мукаммал таъмирлаш | 85 841 888 | 120 кун |
| 5. | Навоий вилояти, Нурота тумани ДСЭНМ вакциналарни сақлаш омборхонасини мукаммал таъмирлаш | 137 943 206 | 120 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.

**Тел.:** (79) 224-08-81.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан бошлаб 10 кунгача қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати танлов махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 10 кундан кейин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ҚАЙТА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида 8-сонли мактабни реконструкция қилиш | 3 077 638 589 | 180 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Сангижуман» МФЙ ҳудудидаги 40-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш билан Кучкорчи қишлоғи ёнида 80 ўринга ўқув блоки қуриш ва Хилбоши қишлоғида 40 ўринга ўқув блоки қурилиши | 1 985 096 720 | 180 кун |
| 3. | Навоий вилояти, Навбаҳор туманида 320 ўқувчига мўлжаллаган 27-сонли мактабни реконструкция қилиш | 3 631 931 554 | 180 кун |
| 4. | Навоий вилояти, Навоий шаҳрида 250 қатновли 3-сонли шаҳар оилавий поликлиника қурилиши | 4 515 432 553 | 180 кун |
| 5. | Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Низомий кўчасида жойлашган Навоий вилояти ИИБ ЁХБ биносини реконструкция қилиш | 2 427 993 730 | 210 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.

**Тел.:** (79) 224-08-81.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан бошлаб 15 кунгача қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 15 кундан кейин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**2020 йилги Манзилли дастурга киритилган қуйидаги объектларнинг иш ҳажмлари ва бошланғич қийматларига ўзгартиришлар киритилганини маълум қилади:**

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймат млн сўм, ҚҚС билан | Ишларни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри,«Заргарлик» МФЙ ҳудудида «Баркамол авлод» болалар маркази қурилиши (150 ўринли ўқув блоки қурилиши) | 4 144 636 266 | 2020 йил 25 августгача |
| 2. | Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Олтинкўл» МФЙда 540 ўринли мактаб қурилиши (12х24 метр ўлчамдаги спортзал) | 6 550 492 211 | 2020 йил 25 августгача |
| 3. | Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, «Олмазор» МФЙда 420 ўринли мактаб қурилиши (12х24 метр ўлчамдаги спортзал) | 6 126 237 986 | 2020 йил 25 августгача |
| 4. | Жиззах шаҳри, Бобур маҳалласидаги 32-сонли ёрдамчи мактаб-интернатни реконструкция қилиш (150 ўринли ётоқхона қурилиши) | 3 865 928 407 | 2020 йил 25 августгача |
| 5. | Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, «Қаҳрамон» МФЙдаги 11-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (180 ўринли ўқув блоки қурилиши) | 1 356 607 817 | 2020 йил 25 августгача |
| 6. | Жиззах шаҳри, Зилол маҳалласидаги 29-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (360 ўринли ўқув блоки қурилиши) | 2 615 502 912 | 2020 йил 25 августгача |
| 7. | Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги «Мирзабулоқ» ҚФЙдаги 20-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш | 1 800 378 862 | 2020 йил 25 августгача |
| 8. | Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани, «Яхтанлик» МФЙдаги 6-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (240 ўринли ўқув блоки қурилиши) | 1 884 006 243 | 2020 йил 25 августгача |
| 9. | Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Дуоба» ҚФЙдаги 8-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (420 ўринли мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш) | 2 810 388 042 | 2020 йил 25 августгача |
| 10. | Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Молтоб» ҚФЙ, Молтоб қишлоғидаги 47-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (464 ўринли мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш) | 1 976 096 061 | 2020 йил 25 августгача |
| 11. | Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Пишағар» ҚФЙдаги 5-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (210 ўринли филиал қурилиши) | 1 929 752 468 | 2020 йил 25 августгача |
| 12. | Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Ғубдин» ҚФЙ 15-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (422 ўринли мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш) | 2 180 431 512 | 2020 йил 25 августгача |
| 13. | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, «Бобур» МФЙ ҳудудидаги 5-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш (1 368 ўринли мавжуд бино, 2-этап) | 4 256 949 454 | 2020 йил 25 августгача |
| 14. | Жиззах вилояти, Зомин тумани ТТБ Даштобод бўлимини реконструкция қилиш (ёрдамчи бинолар қурилиши) | 3 312 814 872 | 2020 йил 25 ноябргача |
| 15. | Жиззах вилояти, Зомин тумани ТТБни реконструкция қилиш (150 қатновли КТМП ва 50-койкали болалар бўлими) | 7 953 786 183 | 2021 йил 25 ноябргача |
| 16. | Жиззах вилояти, Арнасой тумани ТТБни (20 ўринли юқумли касалликлар бўлими қурилиши) | 2 734 433 225 | 2020 йил 25 ноябргача |
| 17. | Жиззах вилояти, Фориш туманида 2 қаватли ДСЭНМ асосий биноси ва вакциналарни сақлаш омборхонаси қурилиши | 2 660 928 359 | 2020 йил 25 ноябргача |
| 18. | Жиззах шаҳридаги 100 ўринли ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш вилоят маркази биносини реконструкция қилиш | 20 418 546 403 | 2022 йил 31 декабргача |
| 19. | Жиззах шаҳрида «Республика шошилинч тиббий ёрдам» илмий маркази Жиззах филиалини реконструкция қилиш (2 қаватли бино қурилишини якунлаш, 250 койка мавжуд биноларини реконструкция қилиш, тез ёрдам бўлими қурилишини бошлаш, 2-босқич) | 42 714 442 365 | 2021 йил 31 декабргача |
| 20. | Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида 100,0 минг ўлчов сақлашга мўлжалланган янги давлат архиви биноси қурилиши | 3 879 263 490 | 2021 йил 31 декабргача |
| 21. | Жиззах вилояти, Зомин тумани, Даштобод шаҳарчаси «Улуғбек» МФЙда ёнғин хавфсизлиги депоси бино ва иншоотлари қурилиши | 5 810 254 018 | 2020 йил 20 октябргача |
| 22. | Жиззах вилояти, Ш. Рашидов туманида вилоят «Мурувват» болалар уй-интернати биноси қурилиши | 41 223 860 131 | 2021 йил 25 ноябргача |
| 23. | Жиззах шаҳрида Ш. Рашидов номидаги маълумотлар ва кутубхона маркази биносини реконструкция қилишда марказ ҳудудида қўшимча бино қурилиши | 9 260 515 030 | 2021 йил 31 декабргача |
| 24. | Жиззах вилоят судлари (маъмурий, иқтисодий, жиноий ва фуқаролик ишлари) биноси қурилиши | 67 232 120 489 | 2022 йил 31 декабргача |
| 25. | Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, «Баландчақир» ШФЙ ҳудудидан ўтувчи Баландчақирсойнинг ПК 76+70 дан ПК 96+70 гача қисмда ўзан тозалаш, тўғрилаш, қирғоқ мустаҳкамлаш ва дамба кўтариш ҳамда қувурли ўтиш иншоотини қуриш | 3 455 774 114 | 2021 йил 25 ноябргача |

**Буюртмачи:** Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 100-уй.

Тел./факс: 72-222-41-26.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Жиззах вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Жиззах шаҳри, И. Каримов кўчаси, «Medstar» клиникаси ёнидаги бино.

**Тел.:** 72-226-14-66.

**Электрон манзил:** jiztender@mail.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича dxarid.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Жиззах шаҳри, И. Каримов кўчаси, «Medstar» клиникаси ёнидаги бино.

## АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

**2020 йил 27 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига**

### «Тошкент ИЭС» АЖга

**қарашли қуйидаги бинолар қўйилмоқда:**

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, «Фаровон» МФЙда жойлашган, **бошланғич баҳоси** – 2 062 564 000 сўм бўлган, **умумий ер майдони** – 0,299 Га, **умумий қурилиш майдони** – 470,82 квадрат метрдан иборат 2 қаватли бино.

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, «Фаровон» МФЙда жойлашган, **бошланғич баҳоси** – 868 736 000 сўм бўлган, **умумий ер майдони** – 0,461 Га, **умумий қурилиш майдони** – 697,07 квадрат метрдан иборат мини ферма.

Аукцион ғолиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 1 (бир) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим.

**2020 йил 27 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига**

### «Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖга

**қарашли қуйидаги бино қўйилмоқда:**

Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, «Майдонтал» ҚФЙда жойлашган, **бошланғич баҳоси** – 257 121 000 сўм бўлган, **умумий ер майдони** – 0,82 га, **умумий қурилиш майдони** – 822,72 квадрат метрдан иборат биолаборатория биноси.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13-«А» уйда савдо ташкилотчисининг биносида ўтказилади.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун 1 000 000 сўм миқдорида тўлов олинади.

**2020 йил 27 апрель куни соат 15.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:**

«O'TKIR JALOLITDINOVICH» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» ҚФЙда жойлашган, **бошланғич баҳоси** – 54 770 334 сўм бўлган 3,31 Га ер майдонида жойлашган жами 2 567 туп олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар;

«BEK BRAVO AGRO» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бўзсув» ҚФЙ, Мирзо Улуғбек массивида жойлашган, **бошланғич баҳоси** – 47 674 827 сўм бўлган 4,38 Га ер майдонида жойлашган, жами 732 туп олма дарахтлари, 812 туп олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар.

Аукцион ғолиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 5 (беш) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уй, туман ҳокимлиги биносида ўтказилади. Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида тўлов олинади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 10.00, 11.00 ва 15.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчиси «PRIME REALTY» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 7007 6599 0001 АТБ «InfinBank»даги МФО 01041 СТИР 304 844 964.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:**

**Аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13-«А» уй.

**Тел.:** 998-580-112.

**E-mail:** info@primerealty.uz

**Веб-сайт:** www. primerealty.uz.

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR 0285 рақамли лицензия.*

## «Respublika mulk markazi» МЧЖ «Poytaxt filiali»

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Автосаноат Инвест» МЧЖга тегишли корхоналар устав фондидаги улушлари такроран қўйилмоқда:

1. Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 157-уй манзилида жойлашган «Самарқанд Автотеххизмат» МЧЖнинг устав фондидаги 51,44 фоиз улуши қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 11 000 000 000 сўм.

2. Бухоро вилояти, Ғиждувон кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган «Бухоро Автотеххизмат» МЧЖ устав фондидаги 34,51 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси** – 7 000 000 000 сўм.

**«Автосаноат Инвест» МЧЖнинг 2020 йил 24 мартдаги 135/51-4-сонли буюртманомасига асосан аукцион савдоси 2020 йил 2 апрель куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 31 март куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги улушлар 2020 йил 2 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 9, 16 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. **Такрорий савдоларга аризалар қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 9 апрелдаги савдо учун – 7 апрель куни, 16 апрелдаги савдо учун – 14 апрель куни, соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан 5 фоиз закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-91.

**Веб-сайт:** www.rmm.uz.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ

**аукцион савдосига таклиф этади!**

2020 йил 27 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «Qashqadaryopaxtasanoat kompyuterlash» МЧЖга қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 045 SAA, кузов рақами XWB3L32CD9A052778, ранги кулранг (серебристый) бўлган, техник таъмирталаб ҳолатдаги NEXIA SONS СНГ русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 33 740 572 сўм.

2. «Qashqadaryopaxtasanoat kompyuterlash» МЧЖга қарашли 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 151 DAA, кузов рақами XWB4A11CDAA271225, ранги қора (вороньекрыло) бўлган, техник таъмирталаб ҳолатдаги MATIZ русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 24 182 860 сўм.

**Ариза қабул қилиш тартиби:** аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни, дам олиш (шанба ва якшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат 10.00 дан 17.00 гача «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 24 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2020 йил 4 ва 11 май кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ, ҳисоб рақами 2020 8000 8045 9352 0001 АТИБ «Ипотека-банк» Қарши шаҳри филиали МФО 00190 СТИР 300 201 778 ОКОНХ 83300.

**Манзил:** Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси.

**Мўлжал:** «Ucell» компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

**Телефон:** (75) 225-16-81.

*0000195 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (373) 2020 йил 27 март

# Марғилон ва Қўқон шаҳарларида 158 та кўп қаватли уйлар қурилмоқда

**Марғилон ва Қўқон шаҳарлари қулай географик жойлашуви, тарихи, моддий ва маданий мероси, музейлари, ҳунармандчилиги, меҳнат салоҳияти, туризм объектлари билан ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади.**



Мазкур шаҳарларда йиллар давомида шаклланган ҳунармандчилик мактаби бутун дунёда тан олингани мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йилларда Марғилон ва Қўқон шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини изчил ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да бу ҳудудларда бир қатор йўналишларда ўз ечимини кутаётган муаммолар бор эди.

## КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аввало, қаерда қийинчилик борлигини билиш учун одамларнинг фикрини ўрганиш керак. Уй-жой билан иш ўринлари мутаносиб бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 14 сентябрь куни Фарғона вилоятига ташрифи чоғида «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида бўлиб уй-жойлар қурилишига оид лойиҳалар билан танишганди. Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ривожлантириш бўйича беш йиллик режа қилиш хусусида топшириқлар берган эди. Қисқа вақт ичида бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 декабрда «2020-2024 йилларда Фарғона вилоятининг Марғилон ва Қўқон шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Аҳоли зич жойлашган бу шаҳарларда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи юқори. Ана шулар инобатга олиниб, мазкур қарорда кўп квартирали уй-жойларни қуришга муҳим эътибор қаратилган.

2020-2024 йилларда Марғилон ва Қўқон шаҳарларидаги 4 та массивда 158 та (12162 хонадон) 545,5 миллион долларлик кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Жумладан, 9 қаватли 39 та (2106 хонадон), 12 қаватли 57 та (4104 хонадон), 16 қаватли 62 та (5952 хонадон) уйлар қурилиши белгиланган. Шу тариқа мазкур ҳудудларда ўзига хос янги шаҳарчалар қад ростлайди. Уларнинг инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, турли ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари ҳам қурилади.

## УЙЛАР ХУСУСИЙ СЕКТОР ТОМОНИДАН ҚУРИЛМОҚДА

Ўтган йиллар давомида қурилган уйларнинг сифатидан кўпчилик норози бўлганлиги ҳам айни ҳақиқат. Шунингдек, баъзи уйлар сотилмай қолган, баъзиларининг кредити муаммоли. 2020 йилдан бошлаб бу каби салбий ҳолатларга бутунлай барҳам берилмоқда. Уйлар давлат томонидан эмас, тўлиқ хусусий сектор томонидан қурилмоқда. Уйлар нархини тушириш ва сифатини ошириш мақсадида инновацион қурилиш материлларидан фойдаланилмоқда.

Марғилон шаҳрида бугунги кунда 9 та (12 қаватли 648 хонадон) кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, айни пайтда ишлар бошлаб юборилди. «Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғини Бурҳониддин Марғиноний ва Ал-Фарғоний кўчалари кесишмасида пудрат ташкилотлари томонидан 6 та кўп қаватли уйларда ер ишлари тўлиқ бажарилган. Қурилиш ишлари «Марғилон қурилиш монтаж инвест», «Мустафо Буссинес Фарғона» масъулияти чекланган жамияти, «Жамила», «Юксак ҳунар бизнес» ва «Қуббо сервис» хусусий фирмаси томонидан олиб борилмоқда.



Олтиариқ туманида жойлашган «Қапчуғай қурилиш материаллари» масъулияти чекланган жамияти томонидан 6 та кўп қаватли уй-жойларга 552 дона қоқма қозиқлар (свай) тайёрланди. Унинг 127 донасининг қоқиш ишлари давом этяпти.

## ҚЎҚОНДА ИШЛАР ҚАНДАЙ?

Қўқон – аҳолиси гавжум шаҳар. Хатлов жараёнларида бир хонадонда 3-4, баъзи ҳолларда 6 тагача оила яшаш ҳолатлари аниқланган. Мазкур шаҳарда дастур доирасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 85 та кўп қаватли уй-жой бунёд этилади. Муқимий мавзесида 5 та кўп қаватли уй-жой қурилиши бошланди.

– Қўқон шаҳри аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжи юқорилигини инобатга олиб, дастур асосида Муқимий шаҳарчасида 9 та 12 қаватли уй қурилиши бошлаб юборилди. Лойиҳаларда белгиланганидек, ҳар бир уйда 48 тадан хонадон бўлиши кўзда тутилган, – дейди пудратчи ташкилот «Санжам инвест» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рашиджон Алиев ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Ушбу уйларни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишни режалаштиряпмиз. Бу ерда қисқа фурсатда замонавий аҳоли мавзеси қад ростлайди. Янги уйларда одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча қулайликлар яратишни эътиборга оламиз. Улар аҳолига банк орқали уч томонлама шартнома асосида кредитга берилади ва тўғридан-тўғри сотилиши ҳам мумкин.

Айни пайтда қурилиш майдонида коммуникация тармоқлари тортиш ва ер ишлари якунланиб, пойдевор қўйилмоқда. «Санжам инвест», «Қўқон Улуғбек қурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг 120 нафардан зиёд уста-қурувчилари меҳнат қилмоқда.

Муқимий шаҳарчасида янгидан барпо этилаётган кўп қаватли уйлардаги аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо объектлари, 3 та мактаб, боғча, спорт майдончалари, маҳалла маркази, автомобиллар турар жойи ва боғ барпо этилиши ҳам режалаштирилмоқда.

## МАЗКУР УЙЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Маълумки, кўп квартирали уйларни қуриш қурувчи томонидан ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди. Чунки аҳолининг ипотека кредити олиш имконияти кенгайтирилса, нархи ҳозиргилардан баланд бўлмаган, лекин қурилиш сифати яхши бўлган уйлар қурилади.

Эндиликда ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш учун Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларига 15 йил муддатга бозор шартлари асосида жойлаштиради. Тижорат банклари аҳолига ўз маблағлари ва Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитларини тақдим этади.

Янги тартиб бўйича давлат буюртмачи ҳисобланади. Демакки, лойиҳани ўзи тайёрлаб, уйни ўзи қурмайди. Бу иш тўлиқ хусусий пудратчилар томонидан амалга оширилади. Давлат аҳолига ипотека кредитларини уларга мақбул шароитларда бериш орқали уй-жойга талабни шакллантириб, ипотека бозорини ривожлантиради.

Янги тартиб доирасида фуқароларга ипотека кредитлари ажратиш бир нечта босқичдан иборат. Биринчидан, фуқаро тўлов қобилиятидан келиб чиқиб, бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартирани танлайди ва пудрат ташкилоти билан шартнома имзолайди. Иккинчидан, фуқаро банкларга танланган квартирани сотиб олиш учун ипотека кредити ажратишни сўраб, ариза беради. Унга қарз олувчининг (биргаликда қарз олувчининг) паспорти нусхаси, пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома, қарз олувчи томонидан (биргаликда қарз олувчи) охирги 12 ой мобайнида олган даромадлари тўғрисидаги маълумот, субсидия хабарномаси (субсидия ажратиш тўғрисида ижобий хулосага эга бўлган шахслар) илова қилинади. Ипотека кредити учун бошланғич бадал қишлоқ жойларда квартира қийматининг 10 фоизи, шаҳарларда эса 20 фоизи этиб белгиланган.

Паст даромадли ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахслар жорий йил 1 мартдан Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза беришлари мумкин. Туман ёхуд шаҳарда ташкил этилган тегишли комиссия фуқаро аризасини ижтимоий мезонлар асосида кўриб чиқиб, аризачига субсидия тақдим этиш ёки рад қилиш ҳақида қарор чиқаради, унинг нусхасини мурожаатчига юборади.

Албатта вилоятда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш борасидаги бу каби саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини беради. Зеро, ҳар бир инсон ўзининг бошпанасига, уй-жойига эга бўлишни истайди.

---

ОБОДОНЧИЛИК

**Юртнинг ободлиги ва кўркамлигини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқларнинг тароватини, тозалигини сақлаш, янада гўзал қиёфа касб этишига эришиш долзарб масалага айланиб бормоқда.**

# Гўзалликка ошно қалблар

Бугун республикамизнинг қайси гўшасига қараманг, одамларнинг яратувчанлик, бунёдкорлик юмушлари билан бандлиги, улар қалби борлиқни яшилликка буркашдек жўшқин меҳнат туйғусига тўлганлигига гувоҳ бўласиз. Хўш, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда бу йўналишдаги ишлар аҳволи қандай?

Мухбиримизнинг шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Отабек Абдуллаев билан суҳбати ана шу мавзуга қаратилди.

– Аввало, айтиш жоизки, Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш ҳамда янада ривожлантириш республика ҳукуматининг доимий назорати ва эътиборида тургани ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, кўҳна кентни тоза сақлаш, бу ерга келаётган ажнабий туристлар ва меҳмонлар, маҳаллий аҳолига ҳар томонлама қулай инфратузилма яратиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. 1300 нафардан зиёд ишчи-хизматчимиз ана шу юксак масъулиятни чуқур англаган ҳолда ўз зиммасидаги бурчини шараф билан оқлаб келяпти.

Ободонлаштириш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида кенг миқёсдаги режалар белгиланганини ютуқларга қанот бағишлаётир. «Обод ҳудуд» номини олишга интилиш бўйича тадбирларимиз ҳам ўз натижасини бермоқда. «Одамлар учун шаҳар», «Яшил шаҳар», «Шаҳар – боғ» моделлари элементларини қўллаб, ҳудудларни гулу гулзорга буркашга катта аҳамият қаратиляпти. Турли акциялар доирасида жамоатчилик кучига таяниб яратилаётган боғ-роғлар ҳар қандай кишининг қалбини қувончга тўлдирмоқда.

**– Отабек Азимович, ободончилик юмушлари фақат супириш-сидириш, сув сепиш, дегани эмас, албатта. Бу соҳадаги ҳаракатларнинг асоси қурилиш билан чамбарчас боғлиқ бўлса керак.**

– Ҳақиқатдан шундай, биз халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда ободонлаштиришни ташкил этиш қоидаларини янгиланган лойиҳада ишлаб чиқишни бошлаганмиз. Масалан, қурувчилар йўл, уй-жой коммунал хўжаликлари мутахассислари билан кўча-тротуарларни тартибга келтириш, таъмирлаш, пиёдалар ва велосипед билан ҳаракатланишни ташкил этиш, ногиронлиги бўлган ва кекса ёшдаги шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратишни назарда тутувчи стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритилмоқда. Истироҳат боғлари, ҳиёбонлар ва бульварлар, майдончалар ташкил этилаётир. Энергияни тежовчи ташқи ёритиш элементлари ва кичик архитектура шаклларини жойлаштириш, автомашиналар, жамоат транспорти тўхташ жойи, бекатлар, киосклар, ностационар объектлар ўринлари қайта кўриб чиқилиб, талабга мослаштириляпти. Минтақа иқлими ва табиий шароитлардан келиб чиқиб, комплекс ландшафт дизайни яратилмоқда, тавсия этилган дарахт, гул кўчати, яшил буталар экилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда.

Муҳандислик технология тизимини яхшилаш, ирригация тармоқлари, сунъий иншоотлар, сув объектлари қирғоқларини ободонлаштириш, қабристонлар, жамоат ҳожатхоналарининг намунали бўлишига эришиш учун астойдил интиляпмиз.

**– Кўринадики, тармоқда анчагина амалий ўзгариш ва янгиликлар содир бўлаётган экан-да?**

– Юқорида таъкидлаганимдек, бизнинг соҳа ҳукуматимиз раҳнамолигида чинакам ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси «Самарқанд шаҳри ҳудудидаги каналлар ва коллектор-дренаж тармоқларининг ҳолатини яхшилаш ва атрофларини ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги махсус қарорни қабул қилди. Унга мувофиқ сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш тамойилидан келиб чиққан ҳолда, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг белгиланган тартибига риоя этишни яхшилаш мақсадида мавжуд 36,7 километр узунликдаги Боғишамол, Шаҳар ва Жарариқ каналлари ҳамда 36,6 километрдаги Чашма, Сиёбча, Оби Машҳад, Марказий Сиёб коллектор-дренаж тармоғи идорамиз ҳисобига ўтказилди. 50 нафар ходимдан иборат янги ихтисослашган бўлим, эндиликда, сув ҳавзалари ва улардаги гидротехника иншоотларини ишончли ишлаши, тозалаш, таъмирлаш, экология ва санитария қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ фойдаланиш учун масъул этиб белгиланди. Ёки фавводаларни олайлик. Шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан қисқа фурсатда ишлай бошлаган 30 дан зиёд фонтанни бошқариш учун ҳам янги бўлим очдик. Жорий йилда тажриба тариқасида 8 та кўчани тўлиқ таъмирлаш, кўприк ва бошқа коммуникация иншоотларини реконструкциясини ўз кучимиз билан бажаришга эришдик.

**– Баҳор мавсумининг бошланиши ишчи-хизматчиларни шошириб қўймаяптими?**

– Шаҳар хўжалигини бошқаришнинг ўзига яраша ташвишлари бор. Кўкламда экинлар экиш, дарахт, гул ва буталар ўтказиш, уларни суғориш анча вақт талаб қилади. Шу боисдан шаҳарда Боғишамол, Сиёб, Темирйўл, Боғибаланд ҳудудларини ташкил этганмиз. Масъул шахслар шу кунларда ўзларига тегишли жойни кўкаламзорлаштиришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Солиқ ва қурилиш бошқармаси билан ҳамкорликда ташкилот, муассаса, савдо дўконлари олди назоратга олиниб, гулзорлар, яшил газонлар яратишга жиддий эътибор қаратилган. Кўчат етишмовчилигига барҳам бериш мақсадида 3 гектар майдонда питомник ва парник ташкил этилгани айни муддаодир. Асфальт, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларига асос солинаяпти.

**– Ишчи-хизматчиларга яратилган шароит, моддий-техника таъминоти қандай ҳолатда?**

– Ҳукуматимиздан беҳад миннатдормиз. Президентимизга ҳар қанча шукроналик билдирсак, арзийди. Ахир бизга қилинаётган қулайликлардан кўнгил қувнамаслиги мумкин эмас. Айни пайтда 200 тага яқин техника ва махсус механизация воситалари билан таъминлангани қўл меҳнатини камайтириш, одамлар ишини оптималлаштириш, юзага келаётган табиий офат каби муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришга, шу билан биргаликда жамоатчилик назоратини таъминлашга йўналтирилган инновацион ечимларни жорий қилишда ижобий самара бермоқда. Тизим моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ходимларнинг ойлик маошини ошириш, дам олиш шароитини давр талаби даражасига кўтариш, меҳнатини муҳофаза қилишнинг янги қоидаларини татбиқ этишга жиддий киришилган. Улар махсус формали кийимбош билан таъминланмоқда. Хуллас, гўзалликка ошно қалбларга ғамхўрлик кўрсатиш доимий диққат марказида турибди, дейиш ўринлидир.

**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири Ҳамза ШУКУРОВ суҳбатлашди.**

---

«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси институтнинг Шаҳарсозлик меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатчиси

**Муминджан Мирсалиевич ҒАФУРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ва карантин муносабати билан мавжуд вазиятни инобатга олиб, «O'zbekiston bunyodkori» газетасининг навбатдаги сони 7 апрель куни чиқишини маълум қиламиз.***

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-353.
2221 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 02.30. Топширилди – 03.30.